



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№12/1

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-МЕТОДИК
ЖУРНАЛ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND METHODICAL
JOURNAL

<https://buxdu.uz>

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАД҆ҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 12/1, 2022
декабрь

<p>Муассис:</p> <p>Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p><u>Бош мухаррир:</u> Маъмуроў Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p><u>Жамоатчилик кенгапси раиси:</u> Хамидов Обиджон Ҳафизовиҷ, Бухоро давлат университети ректори</p> <p><u>Таҳририят кенгапси раиси:</u> Махмудов Мэлс Ҳасановиҷ</p> <p><u>Масъул котиб:</u> Акрамова Гулбаҳор Ренатовна</p> <p><u>Техник мухаррир:</u> Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p><u>Таҳририят манзили:</u> Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кӯчаси, 16-үй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p><u>Журналнинг электрон сайти:</u> www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Карори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) иљмий дарајасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий иљмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган иљмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга руҳсат этилди: 20.12.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8, б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Оммавий аҳборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноъбрь ойидан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро иљмий-ме- тодик журналидан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Маколада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъуллар</p>	<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <thead> <tr> <th style="text-align: center; padding: 5px;">07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ</th> <th style="text-align: center; padding: 5px;"></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td style="padding: 5px;">Иноятов С., Рашидов О. Ўзбек халқининг XX асрдаги фожеаси акс эттирилган китоб</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">7</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Иноятов С. Мунзим Бухоро Жадидларининг энг фаолларидан биридир</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">14</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Мардонов Р. Философия исламского образования и ее история в Узбекистане</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">25</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Сагатова З. Б. Туркий давлатлар ташкilotinинг яратилиш тарихи хусусидаги мулоҳазалар</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">38</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Qo'ysinova F. O. Markaziy Osiyo davlatlari integratsiyasida xalqaro tashkilotlarning roli</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">42</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Usmanova G. S. Xorij tarixshunosligida istiqlolchilik harakatlari tarixini yoritishdagi yondoshuvlar</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">49</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Касим О. Гафури Новый мировозрений по изучении истории Бухарского Эмирата</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">54</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Ризаев Б. Н. Бухоро обlastida янги ерларни ўзлаштириш (1950-1964 йй)</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">61</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Ҳайитов Ж. Ш. Ўзбекистонда буғдой янги навларининг тарқалиши тарихидан</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">69</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px; text-align: center;">10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;"></td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Норов О. Лирикада модерн ифода ўзига хослиги</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">80</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Tulyaganova N. F., Yusupova Sh. B. Literary and non-literary forms of speech in english and uzbek</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">88</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Ashurova Sh. Sh. Embodied learning activities for the classroom</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">94</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Мамараимова Д. Б. Базовые критерии отбора лексического минимума английской терминосистемы туризма</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">100</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Эшchanova Г. Э. Усовершенствование компетенций средством развития esp (английский для специальных целей) лексики студентов</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">107</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Andakulova N. Factors influencing second language acquisition</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">116</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Toshtemirova S. U. Ingliz va o'zbek tillaridagi reklamalarning qiyosiy tanqidiy tahlili</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">121</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Бердибекова Х. М. Ўзбек тилининг изоҳли лугатларида фалсафага оид терминларнинг статистик тавсифи</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">127</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Yuldasheva M. M. Structural features of auto- lexical terms in english and uzbek languages</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">132</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Головко Ярослав В. Прецедентные имена: трудности определения и классификации</td> <td style="text-align: center; padding: 5px;">140</td> </tr> </tbody> </table>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ		Иноятов С., Рашидов О. Ўзбек халқининг XX асрдаги фожеаси акс эттирилган китоб	7	Иноятов С. Мунзим Бухоро Жадидларининг энг фаолларидан биридир	14	Мардонов Р. Философия исламского образования и ее история в Узбекистане	25	Сагатова З. Б. Туркий давлатлар ташкilotinинг яратилиш тарихи хусусидаги мулоҳазалар	38	Qo'ysinova F. O. Markaziy Osiyo davlatlari integratsiyasida xalqaro tashkilotlarning roli	42	Usmanova G. S. Xorij tarixshunosligida istiqlolchilik harakatlari tarixini yoritishdagi yondoshuvlar	49	Касим О. Гафури Новый мировозрений по изучении истории Бухарского Эмирата	54	Ризаев Б. Н. Бухоро обlastida янги ерларни ўзлаштириш (1950-1964 йй)	61	Ҳайитов Ж. Ш. Ўзбекистонда буғдой янги навларининг тарқалиши тарихидан	69	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		Норов О. Лирикада модерн ифода ўзига хослиги	80	Tulyaganova N. F., Yusupova Sh. B. Literary and non-literary forms of speech in english and uzbek	88	Ashurova Sh. Sh. Embodied learning activities for the classroom	94	Мамараимова Д. Б. Базовые критерии отбора лексического минимума английской терминосистемы туризма	100	Эшchanova Г. Э. Усовершенствование компетенций средством развития esp (английский для специальных целей) лексики студентов	107	Andakulova N. Factors influencing second language acquisition	116	Toshtemirova S. U. Ingliz va o'zbek tillaridagi reklamalarning qiyosiy tanqidiy tahlili	121	Бердибекова Х. М. Ўзбек тилининг изоҳли лугатларида фалсафага оид терминларнинг статистик тавсифи	127	Yuldasheva M. M. Structural features of auto- lexical terms in english and uzbek languages	132	Головко Ярослав В. Прецедентные имена: трудности определения и классификации	140
07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ																																											
Иноятов С., Рашидов О. Ўзбек халқининг XX асрдаги фожеаси акс эттирилган китоб	7																																										
Иноятов С. Мунзим Бухоро Жадидларининг энг фаолларидан биридир	14																																										
Мардонов Р. Философия исламского образования и ее история в Узбекистане	25																																										
Сагатова З. Б. Туркий давлатлар ташкilotinинг яратилиш тарихи хусусидаги мулоҳазалар	38																																										
Qo'ysinova F. O. Markaziy Osiyo davlatlari integratsiyasida xalqaro tashkilotlarning roli	42																																										
Usmanova G. S. Xorij tarixshunosligida istiqlolchilik harakatlari tarixini yoritishdagi yondoshuvlar	49																																										
Касим О. Гафури Новый мировозрений по изучении истории Бухарского Эмирата	54																																										
Ризаев Б. Н. Бухоро обlastida янги ерларни ўзлаштириш (1950-1964 йй)	61																																										
Ҳайитов Ж. Ш. Ўзбекистонда буғдой янги навларининг тарқалиши тарихидан	69																																										
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ																																											
Норов О. Лирикада модерн ифода ўзига хослиги	80																																										
Tulyaganova N. F., Yusupova Sh. B. Literary and non-literary forms of speech in english and uzbek	88																																										
Ashurova Sh. Sh. Embodied learning activities for the classroom	94																																										
Мамараимова Д. Б. Базовые критерии отбора лексического минимума английской терминосистемы туризма	100																																										
Эшchanova Г. Э. Усовершенствование компетенций средством развития esp (английский для специальных целей) лексики студентов	107																																										
Andakulova N. Factors influencing second language acquisition	116																																										
Toshtemirova S. U. Ingliz va o'zbek tillaridagi reklamalarning qiyosiy tanqidiy tahlili	121																																										
Бердибекова Х. М. Ўзбек тилининг изоҳли лугатларида фалсафага оид терминларнинг статистик тавсифи	127																																										
Yuldasheva M. M. Structural features of auto- lexical terms in english and uzbek languages	132																																										
Головко Ярослав В. Прецедентные имена: трудности определения и классификации	140																																										



Raxmonova A. U. Badiiy personajlar hissiyotlarini namoyon etishda imo-ishoralar, tana harakatlariga oid leksemalarning stilistik xususiyatlari (ingliz va o'zbek tillari materiallari asosida)	148
Murodova F. G'. Milliy ma'naviy me'ros (bolalar folklori) vositasida maktabgacha yoshdag'i bolalar nutqini rivojlantirishning ahamiyatli jihatlari	157
Арипова X. А., Розикова Н. Н. Художественное воплощение темы «человек - покоритель природы» в рассказе андрея платонова «песчаная учительница»	164
Халилова Р. Р. Виртуал нутқий мулоқотнинг ўзига хос тамойиллари	172
Ботирова А. Грамматик ўқув луғатларининг электрон шаклини тил корпуси талабларига мослаш	179
Ганиева Д. С. Ўзбек тилида унли товушлар таълими тарихи	190
Atamuradova G. Sh. Boshlang'ich sinf o'quvchilarda o'qish savodxonligi ko'nikmasini shakllantirishda o'quv topshiriqlarining o'rni	196
Tangatarova S. A. O'zbek tili o'qitishda o'quvchining ona tiliga doir bilim va ko'nikmalariga tayanish	202
Nusratova H. Ch. "Ona tili va o'qish savodxonligi" fani bo'yicha yaratilgan darsliklardagi matnlarning mazmuniga qo'yilgan talablar	207
Дўстмуродов Ф. Бўлажак она тили ўқитувчиларида адабий талаффуз кўникмасини ривожлантириш бўйича ўқув топшириклар	214
Норкўзиев Ж. Ўзбек тили хрононимларининг структур-компонент таҳлили	219
Jakbarova M. I. O'quvchilarning nutq so'zlash ko'nikmasini rivojlantirishda o'quv topshiriqlaridan foydalanish	225
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Eshquvvatov U. A. Talabalarning kreativ qobiliyatlarini rivojlantirishda mustaqil ta'lim tizimining o'rni va ahamiyati	232
Mustanova S. M. Boshqaruв tizimida sub'ekt va ob'ektning o'ziga xosligi	239
Saidova F. A. Innovatsion yondashuv asosida "ilm yo'li" variativ dasturini amalyotga tadbiq etish metodikasi	244
Boymuhamedova S. N. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida kreativ faoliyat jarayonida foydalilaniladigan texnologiyalar	250
Xursanova D. B. Bolalarning o'yin faoliyatini tizimli yondashuv asosida tashkil etishning nazariy tahlili	256
Файзиев Я. З., Зиёев Д. Я., Шералиева З. А. Жисмоний тарбия - ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг самарали тизими	261
Xo'jamqulova I. F. Maktabgacha yoshdag'i bolalarda o'yin orqali fazoviy va miqdor tushunchalarni shakllantirish texnologiyası	265

Abdiraimova N. T. Maktabgacha yoshdagи bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda ilg'or xorijiy tajribalardan foydalanish	273
Sulaymonova O'. I. Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyalanuvchilarining ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirishning samarali usullari	278
Tashmuradova X. A. Maktabgacha yoshdagи bolalarning musiqiy va o'yin faoliyati orqali ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish	286
Azizova Z. L. Tarbiyachilarni kasbiy mahoratini rivojlantirishda axborot texnologiyalaridan foydalanishning afzalligi	291
Elmurodov Sh. N. Maktabgacha yoshdagи bolalarni hayvonot olami bilan tanishtirish orqali axloqiy sifatlarni shakllantirish texnologiyasi	298
Toshboyeva S. J. Maktabgacha yoshdagи bolalar muloqotini shakllantirishda sharq allomalarining g'oyalaridan foydalanish	304
Quvatova M. B. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarida milliy g'urur tuyg'usini shakllantirishda innovatsion ta'lim	310
Кулбобоева М. Х. Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний сифатларни тарбиялаш хусусиятлари	314
Shaymardanova M. R. Maktabgacha yoshdagи bolalar aqliy rivojlanishida o'yin faoliyatining psixologik xususiyatlari	320
Utaganova U. T. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda ekskursiyalar orqali atrof-muhitga mas'uliyatlari shakllantirish yo'llari	327
Yuldashova Gulbaxor Oribovna Qo'g'irchoq teatri - maktabgacha yoshdagи bolalarida axloqiy-ma'naviy sifatlarni shakllantirish vositasi	331
Ravshanova U. N. O'yin - bolalar faolligini shakllantirishda muhim vosita	336
Qulmirzayeva F. M. Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachilarida ijtimoiy-psixologik kompetentlikning afzalligi	342
Холматова Ф. Б. Мактабгача ёшдаги болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш технологияси	346
19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Байкунусова Г. Ю. Ижтимоийлашиш жараёнида ҳасад ҳисси шаклланишининг омиллари	353
Чудакова В. П. Генезис развития науки «инноватика», сущность и терминологическая характеристика ее понятий, при исследовании проблемы формирования психологической готовности к инновационной деятельности, основы инновационной компетентности конкурентоспособности личности. Часть 2. (начало №9.2022; продолжение в последующих номерах журнала)	364



БУХОРО ОБЛАСТИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ (1950-1964 йй)

Ризаев Бахтиёр Назарбоевич

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

ОСВОЕНИЕ НОВЫХ ЗЕМЕЛЬ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ (1950-1964 гг)

Ризаев Бахтиёр Назарбоевич

Доктор философии по истории(PhD) кафедры “Всемирная история”
Бухарского государственного университета

OSVOENIE NOVYX ZEMEL V BUKHARSKOY OBLASTI (1950-1964)

Rizaev Bakhtiyor Nazarboevich

Doctor of Philosophy in History (PhD) Department «World History»
Bukhara State University

Аннотация: Ушбу мақола иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программаси фонида Бухоро областида амалга оширилган янги ва қўриқ ерларни ўзлаштириш тарихига бағишланади. Хусусан, янги ерларни ўзлаштириш босқичлари, область ҳудудидаги массивлар ва уларни ўзлаштириш плани ҳамда режалар бажарилиш ҳолати вилоят архивларида сақланаётган материаллари асосида таҳлил этилган.

Таянч иборалар: қўриқ, бўз, режа, массив, ўзлаштириш, область, гектар.

Аннотация: Данная статья посвящена истории освоения новых и целинных земель в Бухарской области на фоне программы развития сельского хозяйства в Узбекской ССР после Второй мировой войны. В частности, на основе материалов, хранящихся в архивах области, проанализированы этапы освоения новых земель, массивов на территории области и план их освоения, а также состояние реализации планов.

Ключевые слова: целина, степь, план, массив, освоения, область, гектар.

Abstract: This article is dedicated to the history of new and protected land development in the Bukhara region against the backdrop of the agricultural development program in the Uzbek SSR after the Second World War. In particular, the stages of development of new lands, massifs in the territory of the region and the plan of their development, as well as the state of

implementation of the plans were analyzed based on the materials stored in the archives of the region.

Key words: reserve, gray, plan, massif, development, area, ga.

Кириш. 1950 йилдан Ўзбекистон ССРда янги ерларни оммавий ўзлаштириш кенг қулоч ёди. Республиканинг барча областларида янги ерларни ўзлаштириш режалаштирилди. Жумладан, Бухоро области ҳам бу жараёнга тортилди. Область худудида янги ерларни ўзлаштириш икки босқичда:

1) 1950–1953 йиллар; 2) 1954–1964 йиллар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида кўрсатилган босқичлар ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туради. Жумладан, биринчи босқичда янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ кўрсатма ва буйруқлар марказдан келиб турди. Аксарият ҳолларда режалаштирилган вазифалар асосан қофозда қолиб, амалда тадбиқ қилинмади. Иккинчи босқич республикада кўриқ ерларни ўзлаштириш кенг тус олган босқич ҳисобланади. Бухорода эса кўриқ ерларни ўзлаштириш мўътадил кечган.

Адабиётлар шарҳи

Область ҳудуди массивлари кўриқ ва янги ерларни ўзлаштириш мавзуси бугунги кунга қадар илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган. Шу сабабдан, бу мавзуни тадқиқ этишда область архивлари (туман архивлар) фондида сақланаётган ҳужжатлар асосий манба вазифасии бажаради. Қолаверса, даврий матбуот материаллари, ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар тўпламларни ҳам ўз навбатида мавзу мазмунини ойдинлаштиришга хизмат қиладиган манбалар сирасига киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот ишида янги ерларни ўзлаштириш жараёнини хронологик кетма-кетлиқда таҳлил этилади. Шунингдек, тарихийлик тамоили асосида тарихий жараёнларни келиб чиқиши сабаби, ривожланиши, ютуқ ва муаммолари ҳамда инқирози сабаблари очиб берилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

1950 йил январда Ўзбекистон ВКП(б) ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 96-сонли қарори қабул қилинди[1]. Қарорда Бухоро обlastida жорий йил ҳисобидан 15,6 минг га янги ер ўзлаштириш кўрсатилган. Бухоро область ижроия қўмитаси депутатлари ва область партия комитетининг ҳамкорлиқда 1950 йилнинг 10 январида маҳсус йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда янги ерларни ўзлаштириш жараёнига тайёргарлик масаласи муҳокама қилиниб, обlastning Бухоро, Ромитан

ва Когон районлари ҳамда жами: 115 колхозда янги ерларни ўзлаштириш лойиҳаси тасдиқланди ва ушбу жараённи область “Қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси” мувофиқлаштириши керак эди. Партия ташкилотлари ва област ижроия қўмитаси янги ерлар ўзлаштириш жараёнини қатъий назоратга олди[2].

Аммо, область ўзига хос табиий иқлим шароити, тупроқ таркибиға ҳамда сув манбалари билан таъмилангандик даражасига кўра бошқа областлардан фарқ қиласди. Бу ҳолатлар юқоридан белгиланган қарорда деярли ҳисобга олинмади. Оқибатда партия ва ижроия органларининг ҳар қанча уринишларига қарамасдан, белгиланган вазифаларни амалда бажариш иложи бўлмади. Юқори ташкилотлардан режалар келиши тўхтамас эди. Жумладан, Ўзбекистон режа қўмитасининг 1951–1955 йилларда пахта етиштириш ва қишлоқ хўжалигини жонлантиришнинг беш йиллик режаси тасдиқланди. Унда Бухоро обlastida ер майдонлари 1950 йилда 105,6 минг га ташкил этган ҳолда, 1955 йилга бориб 184,4 минг га етказиш, жами экин майдонларини мос равишда 189,7 минг га дан 207,4 минг га ошириш режалаштирилди[3]. Мехнаткашлар депутатлари Бухоро область ижроия қўмитаси ҳамда партия органлари, ўз навбатида, буйруқбозликни мантиқий давом эттириб, қишлоқ хўжалиги бўлимини вазифалар ўз вақтида бажарилиши заруриги, акс ҳолда қатъий чоралар кўрилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб турарди. Бошқарманинг тажрибали, юқори малакага эга мутахассислари вазиятдан чиқиш йўлларини қидириб, жараён ҳақида масъул, мутасадди ташкилотларга доимий тушунтириш, билдириш бериб боришга қарор қилганди. Бундан кўзланган асосий мақсад охир-оқибатда режа бажарилмай қолган тақдирда, жавобгарликдан қутилиб қолиш эди. Жумладан, “Қишлоқ хўжалик бошқармаси” бошлиғи А.У.Носиров томонидан партия ва ижроия қўмитасига йўлланган билдиришнома юқоридаги фикрга асос бўла олади. Унда жумладан, шундай дейилганди: “1950 йил учун янги ерлар қўриқ, ишчи кучи кам, шўр ва бўз, сув заҳиралари кам, ирригация ва мелиорация иншоотлари ножӯя ҳудудларда белгиланган. Бу эса вазифаларни ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир қўрсатмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда режани қисқартириш талаб этилади”[4]. Аммо, партия ва ижроия органлари юқоридан келган топшириклар учун эътиroz билдириш у ёқда турсин, ҳатто, муҳокама қилишга ҳам жазм қила олмасди. Мазкур органлар марказдан келган топширикларни, ташкил этиш ва бажариш ишлари билан банд бўларди. Шу сабабдан бошқарма томонидан келаётган хат, буйруқ, билдиришномалар жавобсиз қолдирилган. 1950 йилда янги ва қўриқ ерларни ўзлаштириш режаси бажарилиши таҳлил этилганида, Когон ва Ромитан районлари ҳали тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмагани, Бухоро районида эса

айтишга арзимайдиган ер ўзлаштирилган маълум бўлади. Жумладан, Бухоро район 1-МТС 230 га, 2-МТС-143 га янги ер ўзлаштирган[5]. 1953 йил Ўзбекистон КПСС МК ва Министрлар Совети қарори ижроси юзасидан областда 16000 минг га янги ер ўзлаштириш режа қилинди. У районлар кесимида қуидагича тақсимланган: Маликчўли—10.000 га, Ўртачўл—1500 га, Кўкча—1500 га, Кульжоб—500 га, ГЗФ Когон—100 га, Жилвон—1500 га дан иборат бўлди[6]. 1953 йилда Мехнаткашлар депутатлари Бухоро область совети ижроия қўмитаси 1954 йилнинг ёзги мавсуми учун янги ерларни тайёрлаш масаласини муҳокама қилди. Йиғилишда юзага келаётган ҳар бир муаммо эътиборга олиниб, асосан йилнинг ёз ва куз фаслларида янги ерларни ўзлаштириш ишлари амалга оширилганди. Жараён декабрь ойига қадар якуnlаниши уқтирилди. Янги ерларни ўзлаштириш жараёни колхознинг умумий йиғилишларида муҳокама қилиниб, вазифалар режасини тасдиқлашга кўрсатма берилди. Янги ерларнинг ҳажмига қараб ўзлаштириш билан шуғулланувчи бригадалар ҳамда агроном, ер қурилиши, гидротехник мутахассислардан иборат комиссияларни ташкил этишга қарор қилди[7]. Шунингдек, 1953 йилни августъ ва сентябрь ойларида амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар режаситасдиқланди[8]. Режада ҳар бир районда мавжуд қўриқ ер миқдори ва янги ер ўзлаштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи билан мувофиқлашган ҳолда ишлаб чиқилди. Лекин, область ва район архив фонdlарида амалда ўзлаштирилган ерлар акс этган хужжатлар учрамайди.

1954 йилда қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Жараён бевосита давлат эътиборида бўлиб, илмий ёндашилган ҳолда, ҳар томонлама ўрганилиб, янги режалар белгиланди. Хусусан, Бухоро области сув манбаларига яқин ҳудудларда янги ер ўзлаштириш ва пахтачилик колхоз, совхозларини ташкил этиш учун ҳаракат бошланди. 1954 йил 16 апрелда Мехнаткашлар депутатлари Кармана райони ижроия қўмитасининг 147-сонли қарори асосида Маликчўли массивида янги “Янгиобод” пахтачилик колхози ташкил этилди[9]. Колхозга 1982 га яйлов ҳудуди ажратилиб, янги ер ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Архив хужжатлари 1957 йилга қадар колхозда 50 фоиз ерлар ўзлаштирилиб, муомалага киритилгани тўғрисида маълумот беради[10]. Лекин, район ижроия қўмитаси йиғилишларида 1954 йилдан 1956 йилгача “Янгиобод” колхозида суғориладиган ер майдонлари 500 га кўпайтани таъкидланади[11]. Чамаси область учун тайёрлаб жўнатилган ҳисоботларда асл ҳолат район маъмурияти томонидан кўрсатилмаган. Бунинг яна бир сабаби Бухоро шароитида янги ўзлаштирилган ерлар бир оз эътиборсизлик туфайли заарланиш, шўрланишга тез учрашидадир. Яъни ўзлаштирилган ер ҳажмини аниқ

хисобга олиш жуда мураккаб бўлган. Сув манбаларига яқин ҳудудларда жойлашган янги ва қўриқ ерларни ўзлаштиришга уринишлар кейинги йилларда ҳам бўлди. Аммо, кутилган натижага эришиш имкони бўлмади. Жумладан, 1955 йил учун Кармана район ижроия қўмитаси ва область партия комитетини 5/1-1955 йилдаги 43-сонли “Ирригация ва мелиорация тизимларини тайёрлаш, 1955 йил баҳорги экув мавсумига қадар белгиланган вазифаларни бажариш тўғрисида”ги қарорида 783 га янги ер ўзлаштириш мўлжалланди[12]. Қарор ижроси ўрганилганда, мелиорация, техника, ишчи кучи ва сув муаммолари жараёнга тўсиқ бўлгани маълум бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринли бўларди-ки, бу даврда янги ер ўзлаштиришни нафақат областда, балки Республикада ҳам қониқарли деб бўлмасди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 554-сонли қарорида: “1954 йил 20 май ҳолатида ЎзССР Сув Хўжалиги Министрлигига тақдим этилган оператив ҳисботларида колхозларга ирригация ва мелиорация жиҳатдан атиги 103,9 минг га ёки режаларга нисбатан 44,2 фоиз ер топширилган. Ўзлаштирилган қўриқ ва янги ерлардан режа бўйича мўлжалланган 104,4 минг га ўрнига 44,6 минг га ер майдони текисланган, шур ювиш талаб этилган, режадаги 93,5 минг га ўрнига бор-йўғи 27,7 минг га ернинг шўри ювилган[13]”-деб кўрсатади.

1958 йил 13 марта Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми “1958 йил ҳосили учун янги ва қўриқ ўзлаштириш ишларини бориши тўғриси”да қарор қабул қилди. Мазкур қарор ижроси юзасидан Бухоро области ижроия қўмитасини 135-сонли қарори қабул қилиниб, унда жорий йил областда 4000 га ер ўзлаштириш мўлжалланди[14]. Режа тасдиқланган бўлса-да, йил давомида қўшимча янги ерларни ўзлаштириш мўлжаллангани гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, 1958 йилнинг 7 майида Олот район партия комитети ва ижроия қўмитаси область ижроия қўмитасига маҳсус хат билан мурожаат қилди. Хатда районнинг Тайқир массивида пахта экишга мўлжалланган 1000 га янги ерларни ўзлаштиришга руҳсат бериш сўралди[15]. Ўз навбатида область маъмурияти район ташаббусини қўллаб-куvvatlab, Олот район ижроия қўмитасига қўйидаги мажбуриятларни юклади:

- Тайқир массивида 1000 га янги ер ўзлаштириш мақсадида қурилиш штаби ташкил этиш;
- Тайқир массивини Денгизқўл билан боғловчи канал қурилиши учун 10 майдан кечиктирмаган ҳолда 1000 нафар колхозчини 4 кунлик қурилиш ишларига жалб этишини таъминлаш[16] ва бошқалар.

Меҳнаткашлар депутатлари Олот район ижроия қўмитасига юклатилган вазифалар таҳлил қилинар экан, областда янги ерлар ўзлаштириш жараёнида сув катта муаммога айлангани маълум бўлди.

Область мутасаддилари сув муаммосини яхши англаған ҳолда, юқоридан белгиланған режаларга хайрихоқ бўлдилар. Марказий органлар тасдиғидан ўтган режаларни бажариш ишлари ўша заҳотиёқ бошланиб, областга лойиҳачилар, молиявий маблағ ҳамда техника сафарбар этиларди. Лекин сувсизлик белгиланған режаларни рўёбга чирқаришда оғир муаммо эди. Бунинг натижасида область маъмурияти билан республика ҳуқумати ўртасида можаро келиб чиқганди. Қатъий жазолардан чўчиган область ижроия органлари вазиятдан чиқиш йўлларини қидира бошлашган. Область қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси инспектори Ф.Ш.Ищенко томонидан берилган таҳлилий маълумотлар фикримизга асос бўлади. У жумладан, шундай деган: “1959 йилнинг баҳорида Навоий райони колхозларида 300 га ерга беда экилмади, сабаби бедадан бўшатилган ерлар пахта учун банд қилинди. Натижада пахта майдонлари 2700 га қўпайди. Бу янги ер ўзлаштириш ҳисобидан эмас балки, беда майдонларининг катта қисмига пахта экиш ҳисобига эришилгандандир[17. –Б.15]”.

Амударё сувини Бухорога олиб келиш ғояси анча йиллардан бери мавжуд бўлса-да, бу орзулигича қолаётган эди. Лекин, қўриқ ерларни ўзлаштириш сиёсати ана шу орзунинг ушалишида муҳим роль ўйнади. 1958 йилнинг 16 декабряда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг Амударё машина йўли билан сугориш каналини қуриш учун лойиҳа топшириғи тасдиқланиб, қурилиш ишларига 104.830,3 минг сўм ажратилди[18. –Б. 14]. Истиқболда 27 минг га ерни сугориш, Хўжадавлат, Эшакчи, Шўркўл ва бошқа массивларда 15 минг га янги ер ўзлаштириш кўзда тутилди[19. –Б. 17].

1960 йилда янги ва қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисботларида Ромитан совхозида—150га, Когон совхозида—200га, Гигантсовхозида—150 га, Нарпай совхозида—30 га янги ер ўзлаштирилгани қўрсатилган[20]. Бирок, райондаги колхоз ва давлат хўжаликлари ўз имкониятидан келиб чиқиб, янги ерларни ўзлаштиришнинг ҳолати республика ҳуқуматини қониқтирмади. Аму-Қоракўл канали ишга туширилиши муносабати билан режалаштирилган 15 минг га янги ер ўзлаштиришга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. 1961 йилнинг 15 февраляда Қоракўл район партия комитети секретари С.Джумаев область партия комитетига расмий хат йўллади. Хатда жумладан, шундай дейилган: “Аму-Қоракўл машина каналининг қурилиш ишлари якуний босқичга келиб қолган, шу муносабат билан навбатдаги тадбир қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун:

1.Район колхозларини янги техника билан таъминлаш; 2.Янги ерлар ўзлаштириш учун жорий йилда мелиорация тизимини лойиҳалаш ишларини ўз вақтида якунлаш;

3.Замонбобо ва Эшакчи массивларида совхоз ташкил этиш сўралган[21].

Область мутасаддилари район томонидан юборилган хат юзасидан ташкилий масалаларни бошлаб, белгиланган муддатларда янги ерларни ўзлаштиришга тайёргарлик ишларини якунлашга ҳаракат қилди. Бироқ, лойиха кутилмаган муаммолар таъсирида ўз муддатида амалга оширилмади. Аму-Қоракўл канали 1962 йил 15 май куни Олот район далаларига сув бериши керак эди. Лекин, курилиш материаллари таъминотида юзага келган узилиш туфайли каналнинг қурилиш ишлари чўзилиб кетди[22]. Бундан ташқари Олот райони 1962 йилда режалаштирилган 5 минг га янги ерларни ўзлаштиришга қодир эмас эди. Районда жорий йилда 5 минг га янги ер ўзлаштириш учун 100 нафар лойихачи, 3–3,5 минг ишчи кучи, 40–50 та чопик ва 100 дан ортиқ ҳайдов тракторлари[23] талаб этилган. Юқоридаги мисоллар сув муаммоси ҳал этилса-да, яна кўплаб муаммолар кўндаланг бўлиб турганидан далолат беради. Шунга қарамасдан, янги ва қўриқ ерларни ўзлаштириш жараёни давом эттирилди.

1963 йил область ҳудудида 10544 га қўриқ ер бўлиб, кўп йиллик уринишларга қарамасдан, уни ўзлаштиришнинг иложи бўлмаётган эди. Бунинг бир қатор сабаблари бўлиб, асосий омил сув танқислиги эди. Бухоро область ирригация ва мелиорация бош бошқармаси бошлиғи А.Хўжамқуловнинг маълумотлари юқоридаги фикрни исботлайди. Унда: “Бухоро областида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун йилдан-йилга сув этишмаслиги кўпроқ сезилмоқда. Бу шароитда янги ер ўзлаштириб, экин майдонларини кенгайтиришнинг амалда имкони йўқ. Аму-Бухоро машина канали қурилиши билан область ҳудудларининг сув таъминоти яхшиланиб, янги ерларни ўзлаштиришга шароит яратилган бўлса-да, областни фақат Бухоро ва Ромитан район ишлаб чиқариш бўлимларида қўриқ ўзлаштириш мумкин бўларди. Қоракўл ишлаб чиқариш бошқармаси Аму-Қоракўл каналидан сув олишни бошлаган (1963 йилда ишга туширилган-диссертант) бўлишига қарамасдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Шундан сўнг Аму-Қоракўл ҳудудида жойлашган Эшакчи ва Гурдуш массивларида 5-6 минг га (аслида 15 минг га ер режалаштирилган-диссертант) янги ер ўзлаштириш билан шуғулланиш мумкин бўлади”[24]—деб маълумот берган.

Хулоса қилиб айтганда, Аму-Қоракўл канали ишга туширилган бўлсада, кўзда тутилган янги ерларни ўзлаштириш режасини бажариш оқсаётган эди. Жараён ҳукумат назоратида бўлиб, областдаги янги ерларнинг ўзлаштириш ҳолатини ўрганиш мақсадида маҳсус комиссия ташкил этилди. Комиссияга 1963 йилда амалга оширилган ишларни

обдон ўрганиб, 1964–1965 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш режасига киритиш учун областда ўзлаштирилиши керак бўлган реал ер ҳажмини белгилаб бериш вазифаси юклатилди. Бироқ, сув танқислиги, ерларнинг касалланиши ва бошқалар сабаб планни бажариш имкони бўлмади. Таҳлилларга таянган ҳолда қуидагича тавсиялар бериш муммкин:

-янги ерларни ўзлаштириш сув ва қишлоқ хўжалиги ҳамкорлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш;

-янги муомилага киритилган ерлар тупроқ такиби хусусиятларидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш;

-янги хўжаликлар ташкил этишда ишчи кучи ҳамда ихтисослашувига алоҳида эътибор қаратиш;

- Фойдаланилган маёнба ва адабиётлар
1. Бухоро туман давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 27-ийғма жилд, 110-варак.
 2. Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1- рўйхат, 571-ийғма жилд, 99-варак.
 3. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1- рўйхат, 158-ийғма жилд, 29-варак.
 4. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 248-ийғма жилд, 69-варак.
 5. Бухоро туман давлат архиви 5-фонд, 1-рўйхат, 15-ийғма жилд, 95-варак.
 6. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 194-ийғма жилд, 72-варак.
 7. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 163-ийғма жилд, 181-варак.
 8. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 163-ийғма жилд, 184-варак.
 9. Кармана туман давлат архиви 2-фонд, 1-рўйхат, 191-ийғма жилд, 23-варак.
 10. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 1076-ийғма жилд, 52-варак.
 11. Кармана туман давлат архиви 2-фонд, 1-рўйхат, 263- ийғма жилд, 1-варак.
 12. Кармана туман давлат архиви 2-фонд, 1-рўйхат, 203-ийғма жилд, 23-варак.
 13. Фиждувон туман давлат архиви 3-фонд, 1-рўйхат, 316-ийғма жилд, 7-варак.
 14. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 225-ийғма жилд, 98-варак.
 15. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 225-ийғма жилд, 173-варак.
 16. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 225-ийғма жилд, 174-варак.
 17. Ищенко Ф.Ш. Настойчиво и систематически внедрять севообороты в колхозах Бухарской области// Сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент, 1959. -№12. –С. 15.
 18. Тагиев М. Амударё сувлари Бухоро далаларида. –Ташкент: Фан, 1988.–Б. 14.
 19. Тагиев М. Амударё сувлари Бухоро далаларида. –Ташкент: Фан, 1988.–Б. 17.
 20. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 284-ийғма жилд, 64-варак.
 21. Бухоро вилоят ҳокимлиги архиви 22-фонд, 3-рўйхат, 200-ийғма жилд, 67-варак.
 22. Бухоро вилоят ҳокимлиги архиви 22-фонд, 3-ўйхат, 219-ийғма жилд, 1-варак.
 23. Бухоро вилоят ҳокимлиги архиви 22-фонд, 3-рўйхат, 219-ийғма жилд, 2-варак.
 24. Бухоро вилоят давлат архиви 1196-фонд, 1-рўйхат, 372-ийғма жилд, 3-варак